

---

## Қува тумани Фавқулудда вазиятлар бўлимининг бир гуруҳ фахрийлари нафақага кузатилди

Қува тумани Фавқулудда вазиятлар бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллиги байрами арафасида йиллар давомида узоқ ва самарали меҳнат қилиб, ўзининг ҳалоллиги ва фидойилиги билан ёш кадрларга ўрнак бўлиб, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш соҳасида хизмат олиб борган бир гуруҳ ходимлар тантанали равишда нафақага кузатилди.

Ўтказилган тадбирда вилоят Фавқулудда вазиятлар бошқармаси бошлиғи подполковник Илхомжон Қўчқоров, Қува тумани ҳокими Халимжон Умаров, сектор раҳбарлари, ҳамкор ташкилотлар ва ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

«Нафақага кузатиш маросимини кузатар эканмиз, кетаётган ходимлар ўзи йиллар давомида самарали меҳнат қилиб келган касбидан узоқлаша олмаётгани, ватан равнақи ва халқ осойишталиги йўлида умрининг охиригача хизматга тайёр эканликлари уларнинг сўзларидан сезилиб турарди», дейди туман бўлими раҳбари Жасурбек Холматов.

2022-12-05 14:57:32